



## **ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ХОНЛИГИ ТАРИХШУНОСЛИГИ**

**Жураев Боходир Турдалиевич**

Денов тадбиркорлик ва педагогика

институти ўқитувчиси

b.jurayev@dtpi.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6280096>

### **MAQOLA TARIXI**

Qabul qilindi: 10-Fevral 2022

Ma'qullandi: 15 - Fevral 2022

Chop etildi: 20 - Fevral 2022

### **KALIT SO'ZLAR**

Бухорхудотлар,  
Сомонийлар,                    Бухоро  
хонлиги                        Шайбонийлар,  
Аштархонийлар,  
Тарихшунослик,  
Манбалар

Жаҳондаги ҳам қадимий маданий марказлардан бири бўлган Бухоро шаҳри тарихи ҳар қандан тарихий тадқиқотчини ўзига жалб қилмасдан қолмайди. Мазкур шаҳар асрлар давомида кўплаб сулолалар даврида давлат пойтахти ва иқтисодий-маданий марказ сифатида эътибор қозониб келган. Бундай давлатлар қаторида Бухорхудотлар, Сомонийлар, Бухоро хонлиги                        (Шайбонийлар, Аштархонийлар), Бухоро амирлиги ва БХСРларни таъкидлаб ўтиш мумкин.

Бухоро хонлиги даврида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим ва эсда қоларли воқеа-ҳодисалар юз берганлигига тарихий манбалар гувоҳлик беради. Ушбу манбаларда қадимги ва ўрта асрлар даври ҳамда Бухоро хонлиги йилларидағи тарихий воқеилик кенгроқ таҳлил этилган.

### **ANNOTATSIYA**

Бухоро хонлиги даврида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим ва эсда қоларли воқеа-ҳодисалар юз берганлигига тарихий манбалар гувоҳлик беради. Ушбу манбаларда қадимги ва ўрта асрлар даври ҳамда Бухоро хонлиги йилларидағи тарихий воқеилик кенгроқ таҳлил этилган.

Йилларидағи тарихий воқеилик кенгроқ таҳлил этилган. Бироқ, олиб борилган тадқиқотлардан Бухоро хонлигининг тарихи, яъни, XVI асрнинг бошларидан XVIII аср иккинчи ярмигача бўлган даврдаги ижтимоий-иқтисодий хўжалик тарихи, дипломатик муносабатлари тарихшунослик фанида мукаммал илмий таҳлил этилмаганлиги маълум бўлади.

Бухоро хонлиги XVI-XVIII аср ўрталарига қадар бўлган даврда тарихшунослиги масаласи ўзига хос тарихга эга. Хонлик тарихини тўлақонли ўрганишда тарихий ёзма манбалар, архив хужжатлари, тарихий илмий адабиётлар қимматли манба бўлиб хизмат қиласди. Умуман олганда, мазкур даврнинг ўрганилиш даражаси тадқиқот объекти сифатида илмий жиҳатдан



ўрганилмаганлигини ҳисобга олиб ва унинг методологик асосларидан келиб чиқиб мавзуга бевосита тааллуқли бўлган адабиётларни шартли равишда тўрт гурухга бўлиб ўрганиш мумкин:

-биринчи гурухга тааллуқли адабиётлар рўйхатига Бухоро хонлиги тарихига оид Россия империяси даврида рус шарқшунослари, томонидан хонлик тарихига оид манбаларни ўрганиш ҳамда мавзуни ёритишга бағишиланган илмий тадқиқотлар;

-иккинчи гурух адабиётларига совет даври тарихшунослари томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар;

-учинчи гурухга мансуб адабиётларга ватанимиз мустақиллик йилларида олиб борилган илмий изланишлар, тадқиқот мавзуси доирасида ёзилган диссертациялар;

-тўртинчи гурухга оид адабиётларга Бухоро хонлиги ва унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий ҳаётига доир чет тилларида нашр қилинган илмий адабиётлар ташкил қиласди.

Биринчи гурухга минтақа ҳудудининг Россия империяси томонидан босиб олингунга қадар бўлган рус шарқшунос-олимлари, ҳарбий саёҳатчиларининг асарларини киритиш мумкин. Шунингдек, ушбу гурухдан Россия томонидан Ўрта Осиё хонликлари босиб олингандан то советлар ҳокимият

тепасига келгунга қадар бўлган адабиётлар ҳам жой олган.

Бухоро хонлиги худудига XVI – XVIII асрлар давомида Антоний Дженкинсон, Флорио Беневенилар, Иван Хохлов каби элчи ва саёҳатчилар ташриф буюрганликлари маълум. Европа мамлакатлари сайёҳлари ва олимлари ёзиб қолдирган асарлар ичida инглиз савдо ва дипломатия вакили А. Женкинсон<sup>1</sup>нинг эсадаликлари Бухоро ва Хива хонлигининг XVI аср тарихи ҳақида муҳим маълумот беради.

Бухорога XVIII асрда ҳам кўплаб рус савдогарлари ва элчилари келганлиги маълум. Уларга мисол қилиб, 1753 йилда Хива ва Бухоро орқали самаралик савдогар Д. Рукавкинни келтириш мумкин. XVIII асрнинг 80 йилларида Бухорога рус элчиси А. Бекчурин келган. 1794 йилда эса. Т.С. Бурнашев ўз саёҳати давомида қолдирган ҳисоботида савдо муносабатлари, қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик, қўшинларнинг аҳволи ва бошқа масалалар хусусида етарлича маълумотлар келтириб ўтган. Шунингдек, унтер офицер Ефремов<sup>2</sup> ва митрополит Хрисанфларнинг<sup>3</sup> ҳам маълумотлари муҳим ҳисобланади.

XIX асрдаги рус саёҳатчи тадқиқотчиларидан Е.К. Мэйэндорфнинг<sup>4</sup> «Оренбургдан Бухорога саёҳат («Путешествие из

<sup>1</sup> Английские путешественники в Московском государстве в XVI веке [Текст] / Пер. с англ. Ю. В. Готье; Отв. ред. Н. Л. Рубинштейн. - Ленинград: [б. и.], 1937. - 306 с

<sup>2</sup> Ефремов. Десятилетнее странствование и приключения в Бухарин, Хиве, Персии и Индии и возвращение оттуда через Англию в Россию. - СПб.:1876, 1794 и 1811; Новое изд. - М.: 1950.

<sup>3</sup> Хрисанф, митрополит Новопатрасский. О странах Средней Азии., посещенных им в 1790 г. / Введ. и примеч. В.В Григорьева И Чтения в Обществе истории и древности России при Московском университете. Кн.1. - М.: 1861. - С. 1-28.

<sup>4</sup> Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. - М.: 1975.



Оренбурга в Бухару")», П. Савельевнинг<sup>5</sup> «Бухоро 1835 йилда ("Бухара в 1835 году")», Н. Ханыковнинг<sup>6</sup> «Бухоро хонлиги тавсифи ("Описание Бухарского Ханства")», «Записки» П.И. Демезон ва И.В. Виткевич<sup>7</sup>ларни келтириб ўтиш мумкин.

Европа сайёхлари ичидаги таниқли венгер шарқшунос олим А. Вамбери<sup>8</sup> ёзиг қолдирган асарда ҳам Бухоро ва Хива тарихи бўйича ҳам энг қимматли манбалардан ҳисобланади.

Ушбу даврга оид адабиётлар қаторига юқорида келтирилган XIX аср 60 йилларидан XX аср 20 йилларига қадар нашр этилган илмий адабиётлар ҳам киради. Рус тақдикотчиларининг мазкур даврга оид асарларида, асосан Россия империясининг Ўрта Осиёга нисбатан мустамлакачилик сиёсати руҳида ёритилган. Лекин кўпчилик

муаллифлар ўз асарларида тарихий жараёнларни объектив таҳлил қилишга ҳаракат қиласланади. Шунинг учун ҳам уларнинг илмий ишларида келтирилган маълумотлар тадқиқотимизда муҳим аҳамият касб этади.

Холоса сифатида XIX асрдан то бугунги қунгача маҳаллий ва хорижий тарихшунослигида Бухоро хонлигининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий маданий ҳаётининг турли масалаларига бағишиланган кўплаб тадқиқотлар қилинганини айтиш мумкин. Бу манба ва адабиётлар ўрганиш ва таҳлил қилиш жуда муҳим хисобланади.

<sup>5</sup> Савельев П. Бухара в 1835 году с присоединением известий обо всех европейских путешественниках, посетивший этот город до 1835 года включительно. – СПб.: 1836.

<sup>6</sup> Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. – М.: 1843.

<sup>7</sup> Записки о Бухарском ханстве /Отчеты П.И. Демезона и И.В. Виткевича. – М.: Наука, 1983. – 143 с.

<sup>8</sup> Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – СПб.: 1865. – С. 170.